Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Навоий вилояти Кенгашининг
IX конференцияси
Қ А Р О Р И
IX-2 - сон

2025 йил 7 июль Навоий шаҳри

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгаши тафтиш комиссиясининг 2020-2025 йиллардаги фаолияти ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгаши Низомининг 3.3-бандига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ **Конференция**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгаши тафтиш комиссиясининг 2020-2025 йиллардаги фаолияти ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгашига тафтиш комиссияси ҳисоботида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш топширилсин.

Раислик қилувчи **А.Бобомуродова**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилоят Кенгаши Конференциясининг 2025 йил 07 июлдаги IX-2 -сонли қарорига илова

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти бўйича Кенгаши тафтиш комиссиясининг 2020 йил август ойидан 2025 йил июнь ойигача бўлган фаолияти бўйича

ХИСОБОТИ

Ҳаммамизга маълумки, сўнгги йилларда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг мазмун ва мохияти тубдан ўзгарди.

Касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари камоли учун ғамхўрлик қилиш, ахолининг ижтимоий ёрдамга мухтож қисмига моддий ёрдам кўрсатишга эътибор янада кучайтирилди.

Ўтган давр мобайнида вилоят кенгаши томонидан касаба уюшма аъзоларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилган.

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотининг тафтиш комиссияси 2020-2025 йиллар мобайнида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари тўғрисида" ги қонун, касаба уюшмаларининг Устави ва "Тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низом талабларига асосан, йиғилишларда тасдиқланган режа асосида ўз иш фаолиятини олиб борди.

Ўтган даврда 9 маротаба комиссия мажлиси ўтказилди. 2020-2025 йилларда белгиланган режа асосида Навоий вилоят касаба уюшма кенгашида иш юритиш, фукароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, мехнаткашларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва мехнат мухофазаси йўналишларида олиб борилган ишлар режалаштирилган чора-тадбирларнинг бажарилиши ва касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш, даромад ва харажатлар сметаларининг бажарилиши масалалари ўрганилди ва тегишли тавсиялар берилди. Ўрганишлар натижалари 4 марта Ижроия қўмита мажлисларда кўриб чиқилди.

Жумладан Қайд этиш жоизки, вилоят кенгаши ўз фаолиятини ҳар йил тузиладиган иш режасига асосан олиб борган, ҳисобот даврида маърузада айтиб ўтилганидек 7 та кенгаш мажлисида17 та масалалар кўрилиб қарор қабул қилинган бўлса, 17 та Ижроия қўмита йиғилишлари ўтказилган бўлиб, уларда жами 548 та масала кўриб чиқилиб қарор қабул қилинган. Шундан 446 та қарор сўров йўли орқали қабул қилинган бўлиб барча йиғилишлар белгиланган муддатларда ва тартибда ўтказилган.

Вилоят кенгаши аппаратида хатлар ва мурожаатлар билан ишлашга, иш юритишга алоҳида эътибор берилган.

Хисобот даврида инспекция томонидан 820 та корхона ташкилот ва муассаларда мехнат конунчилиги ва мехнатни мухофаза килиш сохасида жамоатчилик назорати утказилиб ,2272 та конунбузилиш холатлари аникланган,конун бузилиш холатлари юзасидан иш берувчиларга 267 та курсатма киритилиб 1400 нафар ходимларнинг хукуклари тикланиб 1 млрд 688 млн сум хак ундириб берилган.

Тафтиш комиссияси ўз ваколати доирасида касаба уюшма бюджети маблағлари тушумлари, бюджетнинг даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси, тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши ва аъзо ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириб, даромад ва харажат қисмининг бажарилишига эътиборни кучайтирди.

Ўтган ҳисобот йили давомида касаба уюшма бюджети маблағларидан фойдаланишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2013 йил 25-январдаги 7-4-сонли қарори билан тасдиқланган "Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини таксимлаш, касаба уюшма бюджети маблагларидан максадли ва самарали фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом ва низомга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга асосланиб иш олиб борилган.

5 йил давомида Касаба уюшма бюджетининг Даромадларига тўхталадиган бўлсак ҳисобот йили давомида касаба уюшма бюджетининг умумий даромадлари 273,1 млрд сўмни ташкил этган бўлиб шундан, 189,4 млрд сўм ёки 69,3 фоизни касаба уюшма аъзолик бадаллари, КУФК томонидан молиялаштириш 23,1 млрд сўм ёки 8,4%, ижтимоий суғурта бюджетидан 1,5 млрд сўм ёки 0,5%, санаторий йўлланмалари ва оромгох йўлланмалари қисман қиймати тўловидан 6,8 млрд сўм ёки 2,4% ни ташкил этган.

Касаба уюшма бюджетининг Харажатларига тўхталадиган бўлсак ўтган ҳисобот йили давомида касаба уюшма бюджетининг умумий харажатлари 274,0 млрд сўмни ташкил этган бўлиб шундан, 82,4 млрд сўм ёки 30,0 фоизни маданий-оммавий тадбирлар, 26,0 млрд сўм ёки 9,4 фоизни касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила-аъзоларини санаторийларда фарзандларини эса оромгохларда дам олдириш тадбирларига, 4,8 млрд сўм ёки 1,7 фоизи спорт тадбирларига, 70,3 млрд сўм ёки 25,6 фоиз маъмурий хўжалик харажатларига, 13,1 млрд сўм ёки 4,7 фоизни касаба уюшма аъзоларига берилган моддий ёрдамларга, 3,5 млрд сўм ёки 1,2 фоизни касаба уюшма фаолларини рағбатлантиришга ҳамда 72,4 млрд сўм ёки 38,2 фоизи йиғилган умумий аъзолик бадалларидан юқори касаба уюшма органига ўтказилган ажратмалар ҳисобига тўғри келган.

Касаба уюшма бюджети маблағлари ўтган 5 йил мобайнида қуйидаги йуналишлар буйича сарф харажатларни амалга оширган:

Маданий-оммавий тадбирлар бўйича:

Ўтган ҳисобот йили давомида Маданий-оммавий тадбирларга 82,4 млрд сўм миқдорида маблағ сарфланган бўлиб, бу жами харажатларнинг 30,0 фоизни ташкил этган.

Ушбу тадбирларга қилинган харажатлар асосан 14 январ "Ватан химоячилари куни", 8-март "Хотин-қизлар куни", "Навруз" байрамлари, касб байрамлари 9-май "Хотира ва қадирлаш куни", "Рамазон ва Қурбон хайитлари", "Мустақиллик", 11-ноябрь "Касаба уюшмалари куни" 8-декабрь "Конституция куни", "Янги йил байрами", ички туризмни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон бўйлаб саёхатлар уюштиришга, ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг муассислигида чоп этилаётган "Ватан" журнали ҳамда "Ишонч" газетасида касаба уюшмаларининг устувор вазифаларини ижроси юзасидан ёритилаётган материал-

лардан хабардор қилиш, меҳнат муносабатлари бўйича савол-жавоблардан фойдаланиш мақсадида йуналтирилган.

Касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан ишчи-ходимлар ва уларнинг оила-аъзоларини соғломлаштириш бўйича:

Навоий вилояти кенгаши томонидан вилоят бўйича 2020-2025 йиллар давомида касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан жами 4890 нафар ишчи-ходимлар ва уларнинг оила-аъзолари республикамизнинг турли вилоятларида жойлашган санаторийларда соғломлаштирилган ва бу мақсадлар учун **жами 15,7 млрд сўм** маблағлар сарфланган бўлиб шундан 246 нафари бепул дам олдирилиб ушбу мақсадлар учун 509,5 млн сўм маблағ сарфланган.

Касаба уюшма аъзоларининг фарзандларини болалар соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштириш бўйича:

2020-2025 йиллар давомида ишчи ва хизматчиларнинг 5593 нафар фарзандлари вилоятимиздаги "Ишонч", "Қизилтепа" ва "Табассум" болалар соғломлаштириш оромгохларида дам олдирилиб, бу мақсадлар учун жами 4,7 млрд сўм маблағ харажат қилинган. Шундан 2,2 млрд сўм ота-оналар томонидан 1,5 млрд сўм касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 0,96 млрд сўми ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган.

Ўтган ҳисобот йил даврида ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан 4526 нафар ишчи-хизматчилар санаторий-профилакторийларда соғломлашти-рилган ва бу мақсад учун 14,9 млрд сўм маблағлар сарфланган, шундан 510 нафар ходимлар бепул соғломлаштирилган ва бу мақсадлар учун 1,4 млрд сўм маблағлар сарфланган.

Бу борада хар йили кабул килинадиган давлат дастурлари асосида кам таъминланган ,куп болали хамда олис ва чекка худудларда ,мураккаб иклим шароитида яшовчи оилаларнинг аёллари ,фарзанд курмаган ёш оилаларнинг ишлайдиган аъзолари ,ишловчи кексалар хамда таълим ва тиббиёт сохаси ходимларини согломлаштиришга алохида эътибор каратилган .

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига 4,8 млрд сўм маблағ сарфланган бўлиб, бу жами харажатларнинг 1,7 фоизни ташкил этган ушбу йуналишда вилоятда спорт тадбирларини ташкил этиш ва утказишга кам эътибор каратилганлигини билдиради .

Ижтимоий ҳимояга муҳтож касаба уюшма аъзоларига 2020-2025 йиллар давомида моддий ёрдам бериш учун жами бўлиб 13,1 млрд сўм миқдорида маблағ сарфланган бўлиб, бу жами харажатларнинг 4,7 фоизни ташкил этган.

Касаба уюшма фаолларини рағбатлантириш мақсадида ўтган беш йил давомида касаба уюшма фаолларига 3,5 млрд сўм маблағ сарфланган бўлиб, бу жами харажатларнинг 1,2 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти бўйича Кенгаши тафтиш комиссияси томонидан қуйидаги;

- Ахборот коммуникациялари яъни интернет тармоғи кенг ривожланаётганлиги сабабли давр талабидан келиб чиқиб, Барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларининг молиявий ҳужжатларини юритиш ва ҳисоботларини тақдим этилиши учун касаба уюшмасини ўзининг Ягона онлайн тизимни жорий этишни жадаллаштириш:

- Касаба уюшма аъзолик бадалларини тақсимланишида касаба уюшма ташкилотларининг молиявий имкониятларини инобатга олган холда юкори ташкилотларга аъзолик бадалларидан ажратма килишнинг табакалаштирилган тизимини киритиш (Яъни маблаг етарли булмаган ташкилотлардан ажратмалар 40% эмас 25-30%)

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан молиявий масалаларда кабул килинадиган карорлар кабул килинишидан олдин бошлангич касаба уюшма ташкилотларининг, туман, шахар кенгашларининг молиявий имкониятлари ўрганилиб, уларнинг таклифлари ҳам инобатга олиниб қабул қилишни;

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Республика кенгашлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилоят кенгаши томонидан молиявий масалаларда бошлангич, туман, шахар кенгашларига купроқ ўқув амалий машғулотлар ўтказишни;

5. Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомга, тафтиш комиссияларни мувофиқлаштириш ва уларни ваколатларини аниқ белгилаб бериш ҳамда комиссия аъзоларини қонуний ҳимоя қилиш бўйича ўзгартиришлар киритиш, хамда тафтиш комиссияси таркибида буладиган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилоят кенгаши штатида ишлайдиган тафтишчи штат бирлигини киритиш таклифларини билдиради.